



САМАРҚАНД — ТУРКИЙ ТАМАДДУННИНГ ҚАДИМИЙ БЕШИГИ

Самарқанд шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг йиғилиши бўлиб ўтмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан, мазкур йиғилишда иштирок этиш учун Самарқандга Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси

Президент Шавкат Мирзиёев 10 ноябрда ташкилотга аъзо давлатлар етакчилари билан икки томонлама учрашувлар ўтказди.

Шавкат Мирзиёевнинг Венгрия Бош вазири Виктор Орбан билан учрашувида олий даражада эришилган келишувларга мувофиқ, амалий ҳамкорликни кенгайтириш

Саноат, кимё тармоғи, фармацевтика, банк-молия, транспорт ҳамда логистика соҳаларида ва бошқа устувор йўналишларда қўшма инвестиция лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди. Бизнес ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича механизмлар яратиш ишларини тезлаштиришга келишиб олинди.



дастури доирасидаги иккинчи учрашувини Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев билан ўтказди.

Учрашувда давлатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларнинг кенгайиб бораётгани ўзбек ва озар халқларининг азалий дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Икки мамлакат етакчилари автомобил саноати, қишлоқ хўжалиги, энергетика, кимё ва нефть-кимё тармоқларида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг аниқ лойиҳаларини тезлаштиришга интилишларини билдирдилар.

Президент Шавкат Мирзиёев Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоган билан ҳам учрашув ўтказди.

Икки давлат раҳбарлари яқин ва ўрта мuddатли истиқболда иқтисодий ва инвестициявий шерикликда амалга оширилаётган янги лойиҳалар, саноат кооперацияси дастурларини тезлаштириш, ўзаро маҳсулот етказиб бериш ортисида самарали транспорт-логистика тизимини таъминлаш масалаларини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган “Олий даражали Имом Бухорий” ордени билан мукофотланди.

Туркий давлатларнинг Самарқанд саммити доирасида мазкур мукофотни топириш маросими бўлди.

Таъкидлаш жоизки, икки мамлакат раҳбарининг ҳам Имом Бухорий ҳазратларига ҳурмати жуда юқори. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан аллома мақбараси ёнида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Ҳадис мактаби ташкил этилган. Давлатимиз раҳбари бу ҳақда 2017 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси сессиясида айтганида, Туркия Президенти “Бу юксак минбардан Имом Бухорий ҳазратларининг муътабар номи биринчи марта янгради”, дея мамнун бўлган эди.

Бу йил Президентимиз таклифига кўра, Ўзбекистоннинг “Олий даражали Имом Бухорий” ордени таъсис этилди. Бу мукофот билан илм-маърифатни ривожлантириш, ислом олами мутафаккирлари меросини ўрганиш ва кенг тарғиб қилишдаги алоҳида хизматлари учун олимлар, тадқиқотчилар, адиблар, шунингдек, хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари тақдирланади.

— Ушбу олий орден Сизнинг ислом маърифатини кенг ёйиш, дунё миқёсида мусулмонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва бирдамлигини таъминлаш, диний бағрикенгликни қарор топтириш, ёшларни эзгулик руҳида тарбиялаш йўлидаги улкан хизматларининг муносиб эътирофидир, — деди Шавкат Мирзиёев маросимда.

Режеп Таййип Эрдоганга мукофотни давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев топширди.

Туркия Президенти буюк муҳаддис номидаги ордени олишдан бениҳоят мамнун эканини билдирди.

— Ҳадис ва фикҳ илмининг чўққиси бўлган Имом Бухорий номидаги бу қимматли мукофотни олишдан улкан шараф ва ғурур туяман. Шавкат Мирзиёевни илк таниган пайтларимдан буён Имом Бухорий меросидан намуналар келтириб сўзлагани учун менда қардошимга фарқли бир ҳурмат-муҳаббат пайдо бўлган. Унинг саъй-ҳаракатлари билан Самарқандда илм даргоҳлари қурилди, Туркия ва Ўзбекистон олимлари яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Бу ордени халқларимиз ўртасидаги азалий ва абадий қардошликнинг, ҳамма соҳада ривожланиб бораётган муносабатларимизнинг кучли рамзи сифатида қабул қиламан. Ўзим ва миллатим номидан бу юксак эътибор учун Ўзбекистон Президенти ва халқига чин қалбимдан миннатдорлик билдираман, — деди Режеп Таййип Эрдоган.

Кечки пайт Туркий давлатлар етакчилари “Буюк ипак йўли” халқаро туризм марказидаги “Боқий шаҳар” мажмуасига ташриф буюрди.

Бу ерда олий мартабали меҳмонларнинг ташрифи шарафига Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан қабул маросими ўтказилди.

Самимий мулоқотда Самарқанд туркий тамаддуннинг қадимий бешикларидан бири бўлгани, бугун халқаро форумлар марказига айланиб бораётгани таъкидланди.

Туркий миллатларнинг қадим маданияти, умумий анъана ва қадриятларини ўзида мужассам этган концерт дастури намойиш этилди.

Туркий давлатлар ташкилоти саммити доирасидаги асосий тадбирлар 11 ноябрь куни бўлиб ўтади.


Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан “Туркий цивилизациянинг янги даври: умумий тараққиёт ва фаровонлик сари” шиори остида ўтказилаётган саммит кун тартибидан иқтисодиёт, савдо, инвестициялар, транспорт, инновациялар, экология, туризм, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамда кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш, ташилот фаолиятини такомиллаштириш масалалари ўрин олган.

Саммит доирасида ўндан ортиқ ҳужжат имзоланиши режалаштирилган. Хусусан, унинг асосий ҳужжати — Самарқанд декларациясини қабул қилиш кутилмоқда. Унда минтақавий барқарорлик, хавфсизлик ва иқтисодий ривожланишни таъминлаш, транспорт алоқаларини мустаҳкамлаш, шунингдек, маданий мулоқотни чуқурлаштириш бўйича қўшма ёндашувлар белгилаб берилган.

Кеча Саммит тадбирлари доирасида Туркий давлатлар ташкилоти Ташки ишлар вазирлари кенгаши йиғилиши, Ўзбекистон — Венгрия бизнес-форуми бўлиб ўтди.

**З.ЖОНИБЕКОВ,
Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбирлари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.



Президенти Сади́р Жапаров ва Венгрия Бош вазири Виктор Орбан етиб келди.

Шунингдек, саммитда Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов иштирок этади.

ва икки томонлама стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Фаол ишбилармонлик алоқалари самарали натижалар бераётгани мамнуният билан қайд этилди.

Гуманитар алмашинув дастурларини, энг аввало, таълим, маданият ва кинематография соҳаларида фаол давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Туркий давлатлар ташкилоти саммитининг тадбирларга бой

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҲИСОБОТ ТАҚДИМ ЭТИШ ВА АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИНИ САҚЛАШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ МАҚБУЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 22 август куни тадбиркорлар билан ўтказган очиқ мулоқоти доирасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, молиявий, солиқ ва статистика ҳисобот турларини қисқартириш, ҳужжатларни

сақлаш ва давлат идораларига топшириш амалиётини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

жисмоний шахсларнинг иш ҳақи ва бошқа даромадлари ҳамда улар бўйича ҳисобланган солиқ суммалари тўғрисидаги архив ҳужжатларини сақлаш ҳамда давлат ёки нодавлат архивларига топшириш мажбурияти бекор қилинади;

▶ Давоми 2-бетда

САМАРҚАНД РУҲИ

ТУРКИЙ ДУНЁДА БИРДАМЛИК МУҲИТИ ШАКЛЛАНМОҚДА

БУГУН САМАРҚАНД ШАҲРИДА ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ
МАМЛАКАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТАДИ

Куни кеча саммит доирасида бир қатор муҳим тадбирлар, учрашувлар ўтказилди. Халқаро экспертлар, хорижлик ва маҳаллий журналистлар бу нуфузли тадбирга қўрилган тайёргарлик жараёнини юқори баҳоламоқда. Энг муҳими, саммит доирасида бўлиб ўтаётган ўзаро мулоқотлар, турли даражадаги учрашувлар, эришилган келишувлар Ташкилотга аъзо давлатлар учун бирдек манфаатли экани эътироф этиляпти.

▶ Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ҲИСОБОТ ТАҚДИМ ЭТИШ ВА АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИНИ САҚЛАШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ МАҚБУЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиш 1-бетда

юридик шахслар 2022 йил 1 январдан бошлаб давлат солиқ хизмати ва статистика органларига электрон тарзда топширилган молиявий, солиқ ва статистика ҳисоботларини, шунингдек, солиқ органининг автоматлаштирилган ахборот тизимлари орқали электрон шаклда расмийлаштирилган ҳужжатларни сақлаш ҳамда давлат ёки нодавлат архивларига топшириш мажбуриятидан озод этилади;

2023 йил 1 январдан бошлаб бухгалтерия ҳисоби субъектлари томонидан молиявий ҳисоботларни солиқ ва статистика органларига ҳар чорада тақдим этиш талаби бекор қилинади;

2023 йилдан бошлаб айланмадан олинадиган солиқни қатъий белгиланган солиқ ставкаси бўйича тўлайдиган тадбиркорлик субъектлари йиллик молиявий ҳисоботларни солиқ органларига топшириш мажбуриятидан озод этилади.

2. 2023 йил 1 январдан бошлаб 1-иловага мувофиқ статистик ҳисобот турлари бекор қилинсин.

Давлат статистика қўмитаси: мазкур бандга асосан, бекор қилинаётган статистик ҳисобот турларида назарда тутилган статистик маълумотларнинг статистика дастурларига мувофиқ тегишли вазирлик ва идораларнинг маъмурий маълумотлари асосида шакллантирилишини таъминласин;

икки ой муддатда барча турдаги статистика ҳисоботларининг мақсадга мувофиқлиги, уларни соддалаштириш ва топшириш муддатларини қайта кўриб чиқиш бўйича тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

3. Молия вазирлиги икки ой муддатда тадбиркорлик субъектларига тегишли товар-моддий заҳиралар ва пул маблағлари ҳамда иш берувчининг ходимлар билан боғлиқ бўлган ички ҳужалик операциялари бўйича техник воситалар ҳамда ахборот тизимлари

ёрдамида қатнашчиларни идентификациялашни таъминлаган ҳолда тузилган ҳисоб ҳужжатлари электрон шаклда юритилиши учун зарур шарт-шароитларни яратсин.

4. 2023 йил 1 майдан бошлаб қуйидагиларга:

тижорат банкларига ариза берувчини масофадан туриб идентификация қилиш учун зарур шарт-шароитлар мавжуд бўлганда, таъсисчилари Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахслар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорларга банк ҳисобварағини масофадан туриб очишга;

юридик шахсларга электр энергияси, табиий газ, иссиқ сув, ичимлик сув таъминоти, оқова сув ва телекоммуникация хизматлари кўрсатиш бўйича шартнома-ларни, уларнинг истеъмоли тўғрисидаги ҳисоботларни ва келгуси давр учун шартномавий миқдорлар тўғрисидаги бир марталик ва даврий ҳужжатларни электрон шаклда расмийлаштиришга рухсат этилсин.

5. 2023 йил 1 январдан бошлаб нодавлат архивларни давлат ва нодавлат архивлари реестрига киритиш ҳамда ҳужжатларни электрон архивлаш (сақлаш) хизматларини кўрсатувчи нодавлат архивларнинг маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш учун лицензия олиш талаби ҳабардор қилиш тартибини жорий этиш орқали бекор қилинсин.

6. Ҳисобот тақдим этиш ва архив ҳужжатларини сақлаш тартиб-таомилларини мақбуллаштириш бўйича “йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. “Узархив” агентлиги:

Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси ҳузуридаги “Ахборот

технологиялари ва ахборот ресурсларини ривожлантириш маркази” давлат унитар корхонаси ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2024 йил 1 январга қадар “Архив” ахборот тизимини тегишли вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан белгиланган тартибда интеграция қилган ҳолда тадбиркорлик субъектларининг дастурий таъминот воситасида жамланган ҳужжатларини электрон кўринишда қабул қилиш, сақлаш ҳамда сўроғга кўра тақдим этиш амалиётини йўлга қўйсин;

мазкур қарорнинг 1-бандига асосан, давлат архивига топшириш бекор қилинаётган архив ҳужжатларининг давлат солиқ хизмати ва статистика органлари маълумотлари асосида шакллантирилишини таъминласин.

8. Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, “Узархив” агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазирлиги Т.А.Ишметов, Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д.Кудбиев ҳамда Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қўниқли манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Д.С.Касимов белгилансин.

Қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юксансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 10 ноябрь

ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ БУНЁДҚОРЛИК РОЛИ

ХАЛҚЛАРИМИЗНИ ЯНГИ МАРРАЛАРГА ЧОРЛАБ, ФАРОВОНЛИК САРИ ЙЎЛ ОЧАДИ

Анвар НОСИРОВ,
Марказий Осиё халқаро институти директори

Туркий давлатлар ташкилоти моҳиятан ва тарихий илдишлар асосида қаралганда, руҳан яқин, маданий, этник жиҳатдан қардош мамлакатлар бирлашувидир. Ушбу тузилма бугунги кунда сиёсий мулоқотни, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни чуқурлаштириш мақсадида яратилган самарали майдон сифатида намоён бўлмоқда.

Ташкилот таркибидаги мамлакатлар жипслашуви муштарак маданият, тарихий, маданий-гуманитар унсурларга асосланган табиий интилишлар ҳисобида юз бермоқда.

Алоҳида қайд этиш мумкинки, мазкур тузилма доирасидаги кўп қиррали шериклик бошқа давлатлар ёки ташкилотларга қарши қаратилмаган, балки асрлар мобайнида мавжуд бўлган дўстлик, яқин қўшничилик, ўзаро ишонч ва ҳурмат туйғуларини янада мустақамлаш йўли билан бирдор юртларнинг бирликларида ривожланиши учун қўлай шарт-шароит яратиш мақсадида йўналтирилган.

ТДТ истиқболда улкан минтақаларо бирлашувнинг, доимий ҳаракатдаги ҳамкорликнинг ёрқин намунаси сифатида намоён бўлиши мумкин.

Умумэътироф этилган бир ҳақиқат бор: туркий аждодлар Ватани сифатида Марказий Осиё турк элатлари ва халқларининг бутун дунё бўйлаб ёйилгани ҳал қилувчи аҳамият касб этган.

Қўлами ва қамрови жиҳатидан улкан сарҳадларни ағаллаган Ғазнавийлар, Қорахонийлар, Ануштегинлар, Темурийлар, Шайбонийлар, Усмонлилар сингари буюк турк сулолалари томонидан барпо этилган давлатлар бутун туркий дунёнинг адолат, ғамхўрлик, оқилона сиёсатга асосланган бирлиги намунаси бўлиб хизмат қилган.

Туркий халқлар ривожланиши жараёнида умумий жиҳатлар кўп. Хусусан, гео-сиёсий вазият ва тарихий тараққиёт билан боғлиқ ўзига хосликлардан тортиб, тамаддуннинг замонавий босқичларида амалга оширилаётган ислохотларга айтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркий тилли давлатлар кенгашининг 2018 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган саммитида фахрий меҳмон сифатида иштирок этиши иштирокчи давлатларнинг кўп томонлама ҳамкорлиги тарихида бурилиш нуқтаси бўлди. Бу воқеа мамлакатимизнинг барча

давлатлар ва халқаро тузилмалар билан тенг ҳуқуқли ҳамда ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатилишига қаратилган янги ташқи сиёсатини яққол кўрсатиб берди.

Президент Шавкат Мирзиёев бу Ташкилотга тўлақонли аъзо бўлишдек тарихий қарорни қабул қилди. 2019 йил 14 сентябрь куни Ўзбекистон 2009 йил 3 октябрда имзоланган Нахичеван битимини ратификация қилди. Шу вақтдан эътиборан, давлатимизнинг қардош мамлакатлар билан муносабатларида янги давр бошланди.

Президентимиз қисқа даврда Ташкилот доирасида кўп қиррали шериклики янада ривожлантиришга қаратилган 30 дан зиёд концептуал ва амалий ташаббусларни илгари сурди. Бу тақлифлар савдо, транспорт-коммуникация, саноат кооперацияси, инвестициявий ҳамкорлик, “яшил” иқтисодиёт, илм-фан ва технологияларни ривожлантириш, таълим, соғлиқни сақлаш тизимларини такомиллаштириш, фойдаланилмаган маданий-гуманитар салоҳиятни юзага чиқариш сингари муҳим ва долзарб йўналишларни қамраб олди.

Энг муҳим ва айни пайтгача амалга оширилган ташаббуслар орасида транспорт ва боғжона амалиётини рақамлаштириш бўйича лойиҳаларни имплементация қилиш, Ташкилот доирасида доимий фаолият кўрсатувчи бирликларида мониторинг, эпидемиологик вазиятни прогностлаштириш тизимини шакллантириш, доимий фаолият олиб борувчи ахборот технологиялари мутахассислари платформасини тузиш ва бошқа кўплаб тақлифларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Президент Шавкат Мирзиёев тақлифи билан Инжиниринг ва технология марказлари, Туркий давлатлар савдо ҳамкорлиги тадқиқот маркази, Атроф-муҳит муҳофазаси ва иқлим ўзгаришига қарши кураш тузилмаси, “Туркий тилли давлатларнинг тарихий, илмий ва маданий меросини ўрганиш тадқиқот маркази”ни тузиш бўйича фаол иш бошланди.



Бундан ташқари, Ташкилот доирасида 2020 йилда Хива шаҳри “Турк дунёсининг маданий пойтахти”, 2022 йилда Қўқон шаҳри “Турк дунёсининг туризм пойтахти”, Бухоро шаҳри “Турк дунёсининг биринчи ёшлар пойтахти” деб эълон қилиниши бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистонда миллий иқтисодиётлар барқарор ривожланишига, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва иш ўринлари яратишга, инновацияларни жорий этишга ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишга қўмаклашадиган иқтисодий ҳамкорликка устувор аҳамият қаратилади.

Бу йил мамлакатимизда Ёш тадбиркорлар биринчи форуми, Турк агрофоруми, туризм, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт, ахборот ва коммуникация технологиялари вазирлари учрашувлари ўтказилди. Бу анжуманлар туркий давлатлар ўртасида янги йўналишларда амалий ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам берди.

Олдинга ташланган дадил қадамлар натижаси сифатида Ўзбекистоннинг ТДТ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси миқдори жадал суръатда ўсганини айтиш жоиз. Масалан, 2022 йил январь-сентябрь ойларида бу кўрсаткич 10,2 фоиз ошиб, 7,4 миллиард долларга етди. Бу мамлакатимиз умумий ташқи савдо айланмасининг 20 фоизидан кўпроғи, дегани.

Саноат кооперацияси ривожланиши Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар қўлайишида яққол кўринади. Бундай объектларнинг жами сони ҳозирда 4 мингга яқинлашди. Фақат жорий йилнинг ўзида юртимизда туркиялик ишбилармонлар капиталли иштирокида 246, қозғистонлик ҳамкорлар билан 138,

Қирғизистон капиталли ёрдамида 40, Озарбайжон билан биргаликда 23 та корхона очилди.

Ўтган йили Президентимиз ТДТга аъзо ва қўзғатувчи мамлакатларнинг Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб ўртасида транспорт-савдо кўприги сифатидаги стратегик ролини тиклаш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратиб, ўзаро транспорт боғлиқлиги дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ташаббусини илгари сурган эди.

Минтақаларо мультимодал йўлакларни ривожлантириш, чегарадан ўтиб-қайтиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш, божхона, санитар ва назорат жараёнининг бошқа кўринишларини рақамлаштириш, шунингдек, транспорт ва транзит тарифларини оптималлаштириш масалаларини самарали ҳал этиш йўлларини қидириш бўйича саъй-ҳаракатларни бirlаштириш тақлиф қилинди.

Бу жараёнда Транскаспий халқаро йўлагини Шарқ ва Ғарб орасидаги рақобатбардош транспорт занжирига айлантириш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Айнан шу сабабли Ташкилот доирасида Каспий денгизи орқали амалга оширилаётган транспорт операциялари учун қўлай шарт-шароит яратишга йўналтирилган

комбинациялашган ташувлар тўғрисидаги ҳуқуқматларро битим лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Осиёдан Европагача бўлган йўлни 900 километр, юқини етказиш муддатини 8 кунга қисқартириш имконини берадиган “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли келгусида мазкур йўлакнинг муҳим бўлаги айланади. Маълумки, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити доирасида ушбу лойиҳани амалга ошириш бўйича битим имзоланган эди.

Шавкат Мирзиёев ўтган йил 11–12 ноябрь кўни бўлиб ўтган Истанбул саммитидаги нутқида экологик муаммолар ва иқлим ўзгариши, озик-овқат хавфсизлиги масалалари алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади. Орол денгизи экологик ҳалокати оқибатларини бартараф этиш минтақа учун долзарблиги қайд этилди.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари БМТ билан ҳамкорликда туркий мамлакатларнинг атроф-муҳит муҳофазаси бўйича тузилмасини тузиш ва унинг қароргоҳини Оролбўйи ҳудудларидан берида жойлаштириш ташаббусини илгари сурди.

Қўқориди таъкидланганидек, мамлакатларимизни кўп йиллик тарих боғлаб туради

ва шунинг учун ҳам маданий-гуманитар ҳамкорликни мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўтган йилнинг сентябрь ойида бўлиб ўтган ТУРКСОЙга аъзо давлатлар маданият вазирларининг 38-йигилиши чоғида Ўзбекистон ва бутун туркий дунё дурдоналаридан бири бўлган Хива шаҳри очиқ кўргазма майдонига айланди. Мамлакатимиз ижодий жамоалари томонидан қадимий шаҳарнинг ҳар бир кўчасида туркий халқлар анъанавий musiқа ва рақсларининг ёрқин намуналари акс этган жонли суратлар яратилди.

Жорий йилнинг июнь ойида Ўзбекистоннинг энг қадимий ва гўзал шаҳарларидан бири — Бухорода Туркий давлатлар ташкилотининг Ёш лидерлар форуми бўлиб ўтди. Форум доирасида “Туркий дунё ёшлар боғи” ва “Бухоро шаҳри биринчи туркий дунё ёшлар ташаббуслари пойтахти” монументи очилди.

Шунингдек, октябрь ойида Қўқон шаҳрида “Kokand ethnospot challenge — 2022” фестивали бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, фестивал Президентимизнинг тегишли қарори ижроси ва “Табаррук зёиёт” концепцияси доирасида ташкил этилди.

Ёш етакчилар, экспертлар, тадбиркорлар, санъат, маданият ва спорт вакиллари, туркий тилли давлатлар оммавий ахборот воситалари учун семинар-машғулотлар ўтказилди.

Туркий давлатлар ташкилотининг Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган саммити ва бу тузилмага раислиқ Ўзбекистонга ўтиши Янги Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги ўрни ва нуфузи тобора ортиб бораётгани тасдиғидир.

Шу кўнғача Ташкилот доирасидаги давлатлар раҳбарлари бугунгидек бир даврда тўлиқ таркибда, бир мақсадга интилиш йўлида жам бўлмаган эди. Ташкилотда иштирокчи давлатлар раҳбарларининг мустақам сиёсий иродаси ва қардош халқларимизнинг кучли хоҳиш-истаклари туфайли йиллар мобайнида мамлакатларимиз ўртасида изчил яқинлашиш кузатилди.

Қадимий ва боқий Самарқанд шаҳри ҳамкорларимизга очиқ ва дўстона муҳитда ТДТ доирасидаги ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболли йўналишлари бўйича батафсил фикр алмашиш учун ўзига хос майдон вазифасини ўтайди.

Ишончим қомилки, мамлакатларимиз етакчилари ўртасида тасдиқланган келишувлар ва кенг қўламли ҳамкорлик ҳужжатлари Туркий давлатлар ташкилотининг бунёдқорлик ролини намоён этади. Қолаверса, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқади.

11 НОЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ КУНИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИГА НАЗАР

Кенг қўламли ва тизимли ислохотлар ва янгиланишлар жараёнида мамлакатимиздаги энг йирик жамоат ташкилоти бўлган касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этмоқда.



Президентимиз Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 2020 йилда бўлиб ўтган VIII курултойи иштирокчиларига йўллаган табригида мустақил давлатимиз тарихида илк бор 11 ноябрни Касаба уюшмалари кўни этиб белгилаш тақлифини билдирган эди. Кўп ўтмай “Ўзбекистон касаба уюшмалари кўнини белгилаш тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, бу 5,5 миллиондан ортиқ аъзоси бўлган касаба уюшмалари ҳаётида унутилмас воқеа сифатида тарихга муҳрланди.

Мана, икки йилдирки, мазкур сана кенг нишонланмоқда. Бу йил ҳам байрам муносабати билан ҳудудларда турли тадбирлар, танлов ва китобхонлик кечалари қизгин руҳда ўтмоқда.

Кўни кеча Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида мазкур сана муносабати билан брифинг ташкил этилди.

“Янги Ўзбекистоннинг янги касаба уюшмалари фаолиятига назар” мавзусидаги брифингга таъкидланганидек, мамлакатимизда касаба уюшмалари эркин ва кенг қўламли фаолият юритиши учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Хусусан, охириги йилларда касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик янги босқичга кўтарилди. Касаба уюшмаларининг ижтимоий шериклиги ривожлантириш, ходимлар меҳнат ҳуқуқларини самарали ҳимоялаш, меҳнат қўнчилигини такомиллаштириш ва

Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияларини ратификация қилишда ҳамкорлик йўналишларидаги фаолияти сезиларли даражада ошди. Ижтимоий-меҳнат муносабатларига оид қабул қилинган қонунларда, давлат органлари томонидан федерацияга келишиш учун тақдим этилган 1000 дан ортиқ метёрий-хуқуқий ҳужжатда, жумладан, янги Меҳнат кодексида касаба уюшмалари тақлифларининг аксарияти ўз аксини топди.

Жорий йилнинг 10 ойи давомида касаба уюшма ташкилотлари томонидан юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган 4,5 мингга яқин муурожаат ижобий ҳал этилган. Шунингдек, касаба уюшмалари турли соҳа ходимлари ва аҳолининг ижтимоий ҳимоясини қўчайтириш борасида ҳам салмоқли ишларни амалга оширди.

Кам таъминланган оилалар, пенсия ёшидаги ходимлар, ногиронлиги бор шахслар, ишловчи аёллар ва ёшларга жамоа шартномалари орқали ижтимоий ёрдам кўрсатиш янги босқичга кўтарилди. Биргина 2022 йилнинг 9 ойи давомида жамоа шартномалари орқали 156 мингдан ортиқ фуқарога ва 55 мингдан ортиқ оилга 136 миллиард 132 миллион сўмлик ижтимоий қўмак кўрсатилди.

— Федерация фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришдан иборат, — деди

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев. — Касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда 2022 йилда жами 143 мингдан зиёд дам олувчи соғломлаштирилиб, улардан 62 минг 405 нафари имтиёзли ва 4554 нафари бепул йўлланма асосида ўз саломатлигини тиклади. Касаба уюшмалари томонидан нафақат меҳнаткашлар, балки нуроний отахон ва онахонлар ҳам тизимдаги санаторийларда соғломлаштирилмоқда.

Ташкилотларда ишловчи пенсионерлар ҳамда касаба уюшмалари аъзоларининг пенсиядаги ота-оналарига ҳар йили 7 мингга яқин имтиёзли ва ишлайдиган кексаларга 500 дан ортиқ бепул йўлланма ажратилади.

Шунингдек, ҳар йили қабул қилинадиган Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда кам таъминланган, кўп болали оналар, тиббиёт соҳаси ходимлари ҳамда бефарзанд оилаларнинг ишлайдиган аъзолари учун акциялар ташкил этилиб, улардан 500 га яқини бепул йўлланма билан соғломлаштирилади.

Брифингда тизимдаги халқаро ҳамкорликни мустақамлашга касаба уюшма ходимлари ва уларнинг оила аъзолари учун “Янги Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил” дастури доирасида яратилаётган имкониятлар, шунингдек, уларни спортга жалб этиш борасидаги ишлар хусусида сўз борди.

Башорат ЮНУСОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



ТУРКИЙ ДУНЁДА БИРДАМЛИК МУҲИТИ ШАКЛЛАНМОҚДА

БУГУН САМАРҚАНД ШАҲРИДА ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ МАМЛАКАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТАДИ

САМАРҚАНД РУҲИ

Бошланиши 1-бетда

Бу, бир томондан, Янги Ўзбекистоннинг нафақат туркий дунё, балки барча давлатлар учун ўзаро бағрикенглик, ҳамжihatлик руҳида ривожланиш сари фаол сиёсат юритаётганини ифодаси бўлса, бошқа томондан, Ташкилотга аъзо давлатларда бирдамлик руҳи шаклланиётганидан далолат.

Шу кунларда қадим Самарқанд туркий дунё марказига айланиб турибди. Бу ерда ТДТга аъзо ва кузатувчи давлатлар етакчилари, бир қатор халқаро тузилмалар раҳбарлари халқларимиз манфаатларидан келиб чиқиб, ўзгараётган дунёнинг ҳаётий талабларига мос

ривожланиш, тараққиётнинг янги босқичларига қадам қўйиш учун аниқ мақсадларни илгари сурган ҳолда мулоқотга киришмоқда.

Булар нималарда акс этади? Аввало, мамлакатларимиз иқтисодийётини юксалтириш мақсадида ўзаро тенг манфаатлар йўлини танлашда.

Маълумки, илгор технологиялар асосида ривожланаётган бугунги иқтисодийётни электр манбаусиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Шу маънода, Туркий давлатлар ташкилоти атрофида бирлашган мамлакатлар электр энергияси билан таъминланганлик сиёсати ва безътибор эмас.



“Яшил” иқтисодиёт — мамлакатларимиз юксалиши асоси

Саммитда бевосита иштирок этаётган маҳаллий эксперт, “Тараққиёт стратегияси” маркази бўлим бошлиғи Авазбек Холбеков бизга шу ҳақда батафсил гапириб берди:

— 2021 йилнинг 11-12 ноябрь кuni Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган Туркий тили давлатлар ҳамкорлик кенгашининг саккизинчи саммитида Президентимиз Шавкат Мирзиёев қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш, “яшил” иқтисодиётга ўтиш борасидаги тақдирларни илгари сурган эди, — дейди А.Холбеков. — Туркий давлатлар ўзаро ҳаракатининг яна бир асосий йўналиши — “яшил” ва “ақлли” иқтисодиётларни яратиш барқарор тараққиёт ва ривожланишни таъминлашга қодир бўлган инновациялар, ноу-хау ва моделларни ишлаб чиқишда имкониятларни кенгайтириш учун пойдевор бўлиши мумкин.



Дунё ялпи ички маҳсулоти, аҳоли сони ўсиши, инсониятнинг атроф-муҳитга салбий таъсири ва глобал энергия ресурслари чекланаётгани экологик муаммолар кучайишига сабаб бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, мамлакатларнинг “Барқарор ривожланиш” концепциясига ўтишни тақозо этади. Бундай ёндашув жаҳон ҳамжамиятига углерод энергия манбаларига бўлган қарамлиқни тубдан камайтириш ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш усулларини фаоллаштириш имконини беради.

Шу боис, бугун дунёда жиддий геосиёсий ва геоиқтисодий ўзгаришлар рўй бераётган бир шароитда Туркий давлатлар ташкилоти муқобил энергия манбаларини ривожлантиришга катта аҳамият қаратапти. Зеро, энергия ва энергия ресурслари ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлайдиган омиллардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Туркий давлатлар ташкилотига тўлақонли аъзо бўлган, қисқа вақт ичида улкан имкониятлар ва бирлаштирувчи салоҳиятга эга минтақавий ҳамкорликнинг самарали механизмида ривожлантиришга қаратилган қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Хозирга қадар Ўзбекистон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ўн битта халқаро конвенция, битим ва улар доирасидаги еттига кўп томонлама халқаро шартномага қўшилган. Жумладан, Париж битимини ратификация қилган томон сифатида 2030 йилга келиб иссиқхона газлари солиштирма ташланмаларини 2010 йилдаги даражага нисбатан 10 фоиз қисқартириш бўйича тикланувчи энергия манбаларини янада ривожлантириш ва улар улушини электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 25 фоизидан кўпроғига етказиш, шунингдек, 100 фоизгача

аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини замонавий, арзон ва ишончли энергиядан фойдаланиш имконияти билан таъминлашдан иборат. Ўзбекистонда ўтган давр мобайнида “яшил” энергетикани ривожлантиришга оид қатор норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Уларда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича илгор хорижий тажрибани ўрганиш, замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда саноат ва экологик хавфсизлиكنинг юқори даражасини таъминлайдиган қайта тикланувчи энергия манбалари объектлари ва тегишли инфратузилмани барпо этиш каби вазифалар белгиланган.

Бугун Ўзбекистоннинг энергетика тизимида энергия хавфсизлигини таъминлаш, самарадорлигини ошириш ва иқтисодиёт тармоқларига барқарор энергия етказиш борасида улкан лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жумладан, амалга оширилаётган ишлар натижасида 2021 йилда Навоий вилоятининг Кармана туманида саноат миқёсида биринчи ийрик 100 МВт қувватли қуёш фотозлектр станцияси ишга туширилди. 2022 йилнинг май ойида эса Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида иккинчи 100 МВт қувватли ийрик қуёш фотозлектр станцияси ўз фаолиятини бошлади. Ушбу электр станцияси йилга 260 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариб, 80 мингдан ортиқ хонадонни электр энергияси билан таъминлайди. Станциянинг ишга туширилиши натижасида йилга 78 миллион куб метр табиий газ тежалишига эришилади ҳамда атмосферага 100 минг тонна зарарли чиқиндилар чиқишининг олди олинади.

Қуёш фотозлектр станцияларини қуриш бўйича Бухоро, Наманган, Хоразм, Қашқадарё, Фарғона, Жиззах, Сурхондарё, Навоий вилоятларида умумий қуввати 2197 МВт бўлган 11 та лойиҳани амалга ошириш борасида келишувларга эришилган. Ундан ташқари, 2030 йилгача қуёш фотозлектр станцияларини қуриш бўйича умумий қуввати 7000 МВт бўлган 30 та лойиҳанинг амалга оширилиши режалаштирилмоқда.

Шамол электр станцияларини қуриш бўйича умумий қуввати 3500 МВт бўлган 7 та лойиҳани Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Навоий вилоятларида амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди. Шу билан бирга, 2030 йилгача шамол электр станцияларини қуриш бўйича умумий қуввати 5000 МВт бўлган 15 та лойиҳани амалга ошириш мақсад қилинган.

2023 йилда Навоий, Самарқанд, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларида умумий қуввати 1097 МВт бўлган 4 та қуёш фотозлектр станцияси, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Навоий вилоятларида умумий қуввати 1600 МВт бўлган 4 та шамол электр станцияси “яшил” энергия ишлаб чиқаришни бошлайди.

2026 йилга бориб Ўзбекистонда қуёш фотозлектр станциялари ва шамол электр станциялари ҳажми 4000 МВтга етказилади ҳамда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 25 фоизи қайта тикланувчи энергия манбаларини улушини ташкил қилади.

Бунинг натижасида йилга қарийб 3 миллиард куб метр табиий газ тежалишига эришилади. Бу билан 1 миллион хонадонни йил давомида табиий газ билан таъминлаш мумкин. Туркий давлатлар ташкилоти доирасида муқобил энергия манбаларини ривожлантириш орқали иқтисодий барқарорлиқни таъминлашда аъзо давлатларнинг барчаси манфаатдор. Хусусан, уни Ташкилот доирасида ривожлантириш орқали миллий иқтисодиётнинг истиқболдаги “драйвер” йўналишига айлантириш мумкин. Зеро, Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбалари улушининг энергетика соҳасидаги салмоғин ошириб бориш бугуннинг муҳим вазифаларидан бири саналади.



Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар мақсадларидан яна бири ўзаро боғлиқликда, бағрикенглик тамойиллари асосида ривожланиш ҳисобланади. Бунда бир қатор муҳим йўналишлар борки, **Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари Нодирбек Расуловнинг** фикрича, юзгага келган геосиёсий вазият, глобал иқлим ўзгаришлари, озиқ-овқат соҳасидаги муаммолар, транспорт-логистика тизимидаги узиллишлар Ташкилотга аъзо давлатларнинг бир-бирига бўлган дўстона ришталарини янада мустаҳкамлаш ҳамда умумий мақсадларни бирлаштиришни кун тартибига қўймоқда.

— Албатта, бундай вазиятда халқаро ташкилотлар ҳамда тузилмаларнинг роли ва аҳамияти ортиб боради. Айрим ҳолатларда улар ўртасида ўзаро ишонч йўқолиши ёки зиддиятлар юзгага келиши долзарб муаммоларни ҳал этишда жиддий тўсиқларга сабаб бўлмоқда. Лекин Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч ортиб бораётгани, муаммолар ҳамкорликда ҳал этилаётгани, иқтисодий лойиҳалар мулоқот

Янги мақсадлар сари

асосида амалиётга жорий этилаётгани экспортлар томонидан ижобий баҳоланмоқда, — дейди Н.Расулов. — Шу боис, Самарқандда бўлиб ўтаётган ТДТнинг биринчи саммитидан нафақат ташкилот аъзолари, балки бошқа давлатлар ҳам катта натижалар кутмоқда.

Бу, **биринчидан**, Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида энг муҳим йўналишлардан бири бўлган ўзаро транспорт соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, транспорт коридорларини ишга тушириш ҳамда логистика тизимини мустаҳкамлашда кўзга ташланади. Боиси шу каби масалаларни Ташкилот доирасида биргаликда ҳал қилиш транзит салоҳиятини янада оширади, ўзаро савдо алоқалари ривожланишига йўл олади. Маълумотларга кўра, 2021 йил якунида Ўзбекистоннинг ТДТ билан жами товар айланмаси 9,4 миллиард АҚШ долларини ташкил этиб, экспорт 3,9, импорт эса 5,5 миллиард долларга етган. Ҳақлардан кўриниб турибдики, экспортга нисбатан импортнинг улуши 1,6 миллиард долларга кўпроқ. Келажакда, албатта, экспорт ҳажмини импортга нисбатан кўпайтириш стратегик мақсадлардан бири ҳисобланади.

Иккинчи қутиплаётган натижа, бу — Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида боғжона тизимини соддалаштириш, соҳага рақамли технологияларни жорий этиш орқали юк ташувлар ҳажмини ошириш. Шу билан бирга, фуқаролар ҳаракатини янада эркинлаштириш, хизматлар ҳамда технологиялар ҳаракатини рағбатлантириш ҳам муҳим масалалар. Бу ҳаракатлар бевосита туризм имкониятларидан унумли фойдаланиш ҳамда халқаро юк ташувлар кўпайишига туртки бўлади.

Учинчи муҳим жиҳат — Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий ва молиявий имкониятлардан янада кенг фойдаланиш. Бунинг учун инвестицион лойиҳаларни ишга тушириш, саноат кооперациясини ривожлантириш орқали

саноатнинг устувор соҳалари самарадорлигини ошириш талаб этилади.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун Ташкилот доирасида Инвестицион жамғармани ташкил этиш мумкин. Таҳлилларга кўра, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига ТДТга аъзо мамлакатлар томонидан жами 2,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилган. Бу инвестицияларнинг 1,2 миллиард доллардан ортиғи ёки 41 фоизи 2021 йилда киритилган. Албатта, бу кўрсаткичларни келажакда янада кўпайтириш, Ташкилотга аъзо давлатлар иштирокида эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этиш мақсада мувофиқ бўлади.

Тўртинчи қутиплаётган натижа муқобил энергия манбаларини ривожлантиришдир. Чунки Ўзбекистонда қўлай иқлим шароити, табиат ёрдамида қуёш, шамол ва сув каби қайта тикланувчи энергия манбаларини ишлаб чиқариш бўйича катта салоҳият бор. Бу борада Венгрия ва Туркия етарли амалий тажрибага эга. Ўзбекистон 2026 йилгача муқобил энергия манбалари улушини 25 фоизга олиб чиқишни режалаштирган. Бундай мақсадларни амалга оширишда, албатта, ТДТга аъзо давлатлар билан ҳамкорликни амалга ошириш яхши самара беради.

Таъкидлаш мумкинки, ТДТга аъзо ва кузатувчи давлатлар билан ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳисобига мамлакатимизнинг транзит салоҳияти ортади, янги транспорт йўлакларини ишга тушади, туризм имкониятлари пайдо бўлади, умумий савдо ҳажми улушида экспорт кўрсаткичлари, хомашё маҳсулотларини сотишга нисбатан тайёр маҳсулотлар улуши кўпаяди ҳамда қишлоқ ҳўжалигига инновацион ишланмалар татбиқ этилади. Мазкур ташаббуслар мамлакатимиз учун катта имкониятлар яратеди.

Таҳлилларга кўра, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига ТДТга аъзо мамлакатлар томонидан жами 2,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилган. Бу инвестицияларнинг 1,2 миллиард доллардан ортиғи ёки 41 фоизи 2021 йилда киритилган. Албатта, бу кўрсаткичларни келажакда янада кўпайтириш, Ташкилотга аъзо давлатлар иштирокида эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этиш мақсада мувофиқ бўлади.

Жинойятчиликка қарши кураш — барқарор ривожланиш асоси

Бугунги кунда жинойятчиликка қарши кураш глобал вазифа бўлиб, шу муносабат билан давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик масалалари алоҳида аҳамият касб этиб бормоқда. Бундай ҳамкорликка эҳтиёж, айниқса, халқаро жинойятчи таҳдидлари кучайиши туфайли яқол намоён бўлади.

Кўпчан халқаро ва минтақавий ташкилотлар жинойятчиликка қарши курашда муҳим платформага айланади. Туркий давлатлар ташкилотига аъзо ва кузатувчи мамлакатларда ҳам шундай имконият бор.

Бугунги кунда Ташкилотга аъзо мамлакатлар аҳолисининг умумий сони 155 миллиондан ошади. Шу маънода, Ташкилот хавфсизлиқни таъминлаш ва тинчликни сақлашга жиддий эътибор қаратиб келади.

Бу ҳақда **маҳаллий эксперт Шоҳжаҳон Хужаевнинг** фикри ҳам ўзига хос:

— ТДТ доирасида жинойятчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга. Бундай ҳамкорлик ташкилот Низомида белгиланган мақсадларга мос келади, — дейди Ш.Хужаев. — Наҳичеван келишувининг 2-моддасига биноан, ўзаро ишонч, дўстлик, яхши қўшничиликни хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқаро терроризм ва сепаратизм, экстремизм, одам савдоси, гиёҳванд моддалар савдосига қарши кураш юзасидан ҳаракатларни мувофиқлаштириш бўйича халқаро сийсатга кўмаклашиш ТДТнинг асосий мақсад ва вазифалари сифатида кўрсатилган. Бинобарин, бундай мақсад ва вазифаларга эришиш мамлакатлар ўртасида жинойятчиликка қарши курашиш бўйича ҳамкорлиқни фаоллаштиришни талаб қилади.

Бугунги кунда жинойятчиликка қарши кураш соҳасидаги ҳамкорлик масалалари икки томонлама келишувлар (шартномалар) билан тартибга солинади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Туркия (1994), Қирғизистон (1996), Туркменистон (1996), Қозоғистон (1997), Озарбайжон (1997) билан ҳам шундай келишувларни имзолаган.



Бизнинг фикримизча, ушбу масала бўйича махсус стратегик ҳужжат қабул қилиниши керак. Ушбу ҳужжатни ишлаб чиқишда икки томонлама ҳамкорлик доирасида орттирилган тажрибани ҳисобга олиш муҳимдир.

Жинойятчиликка қарши кураш соҳасидаги ҳамкорлик хавфсизлиқни таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади. Numbeo ташкилотининг дунёдаги жинойятчилик индекси бўйича статистик маълумотлари тасдиқлашча, 2022 йилнинг биринчи ярми якунларига кўра, ТДТ иштироки мамлакатларида жинойятчилик даражаси паст.

Мазкур ҳолат ҳар бир мамлакатнинг яқна тартибдаги саъй-ҳаракатларини намойиш этади. Шу билан бирга, ТДТда иштирок этувчи мамлакатларнинг ҳамкорлиги жинойятчилик даражасини янада пасайтиришга ҳисса қўиши мумкин. Умуман олганда, жинойятчилик даражасининг аяланиши мамлакатлар ва минтақанинг хавфсизлик рейтингини оширишга имкон беради. Ўз навбатида, бундай ҳаракатлар инвестицион жозибадорлиқни ошириб,

мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўсини мустаҳкамлайди.

Қайд этиш жоизки, мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ таҳдидлар хавфини камайтиради. Ушбу таҳдид ТДТ мамлакатлари учун ҳам хавф тугдиради. Марказий Осиёда экстремистик жиноятлар сони камайганига қарамай, фуқароларни интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали ёллаш ҳолатлари кўпаймоқда. Хусусан, Яқин Шарқдаги ноқонуний ҳаракатларда иштирок этиш учун фуқароларни ёллаш хавфи ортмоқда.

Минтақавий таҳдидларни ўрганиш марказининг 2015–2021 йиллардаги маълумотларига кўра, халқаро террористик ташкилотларнинг ёлловчилари Ўзбекистоннинг 27 минг фуқароси билан “ишлаган”. Шу билан бирга, 2022 йилнинг биринчи ярмида ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари 10 дан ортиқ “виртуал гуруҳлар”ни аниқлаган ва интернетда 250 га яқин мустақил ёлловчиларни қўлга олган. Бундай хавфларнинг олдини олиш ҳамда терроризм ва диний экстремизм таҳдидларини камайтириш мақсадида ТДТга аъзо мамлакатларнинг тегишли идоралари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсада мувофиқдир.

Юқоридагиларни умумлаштириб таъкидлаш мумкинки, ТДТ қўллаб соҳаларда муносабатларни ривожлантириш ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун яхши салоҳиятга эга. Жинойятчиликка қарши кураш соҳасидаги ҳамкорлик халқаро жинойятчилик таҳдидини ҳисобга олган ҳолда истиқболли йўналишлардан биридир. Ҳамкорликнинг бундай йўналиши ТДТ иштироки мамлакатлари учун умумий қизиқishi йўтади. Шу боис, жинойятчиликка қарши кураш соҳасидаги самарали ҳамкорлик минтақада ва умуман дунёда тинчликни мустаҳкамлайди, хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлайди.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



www.yuz.uz



yuz.uznews




yuz_official



yuz.uz_news

НУҚТАИ НАЗАР



БИЗНЕСДА ИЖТИМОИЙ МАСЪУЛИЯТ

Биздаги ҳолат қандай?

Мамлакатимизда бизнеснинг ижтимоий масъулияти тизimini жорий этиш ва ривожлантириш ҳали бошланғич босқичда. Корпоратив ижтимоий масъулиятнинг умумэътироф этилган



мувофиқ, иқтисодий, ижтимоий ва экологик масалалар бўйича ҳисоботлар чоп этиши белгиланган. Ушбу ҳужжатлар асосида 2020 йилда “Ўзтрансгаз” АЖ Ўзбекистонда илк марта GRI халқаро стандарти асосида ижтимоий, экологик ва корпоратив бошқарув масалаларини ўз ичига олган барқарор ривожланиш тўғрисидаги ҳисоботини чоп этди.

Корпоратив ижтимоий масъулиятнинг халқаро стандартларидан бири сифатида эътироф этиладиган БМТнинг Глобал келишуви (UN Global Compact) сафига иштиёр ривашида қўшилиш ҳам Ўзбекистон компаниялари ва ташкилотлари орасида кенг

ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорига асосан, тўқимачилик саноати корхоналарида ESG тизimini қўллаш, 2022 йил 14 июлдаги қарорига мувофиқ эса “Навоийуран” давлат корхонасида халқаро талабларга мувофиқ экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG) тамойилларини жорий этиш белгиланган. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 августдаги тегишли қарорига асосан, кон-металлургия саноати корхоналарида Глобал ташаббускорлик ҳисоботи (GRI), атроф-муҳит, ижтимоий ва бошқарув (Environmental Social Governance — ESG) тартибига мувофиқ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш сисемасини ишлаб чиқиш ва экологик менежмент тизimini жорий этиш каби вазифалар мустақамланган.

Бизнеснинг ижтимоий масъулиятини ривожлантириш истиқболлари

Ўртимизда иқтисодиётни трансформациялаш шароитида бизнеснинг ижтимоий масъулиятини ошириш, корпоратив ижтимоий масъулият тизimini янада ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Бирок бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳали етарлича эмас. Бунинг учун корпоратив ижтимоий масъулият тизimini тарзда ривожланиб бориш тусига эга бўлиши мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимизда корпоратив ижтимоий масъулиятни тизимли тарзда ривожлантириш учун қатор чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади. Жумладан, корпоратив ижтимоий масъулият тизimini яратиш ва ривожлантириш борасида давлат стратегияси ва дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, Ўзбекистон акциядорлик жамиятлари ва қимматли қўғозлар бозори тўғрисидаги қонунчиликда корхоналарнинг ижтимоий масъулият соҳасидаги фаолиятини рағбатлантирувчи нормаларни киритиш зарур.

Шу билан бирга, трансформация қилинаётган корхоналар томонидан ўз ичига ESG маълумотларини олган номолиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва чоп этиш амалиётини йўлга қўйиш, бу борада қонунчиликни такомиллаштириш, бундай корхоналар кузатув кенгашлари ҳузурида ижтимоий масъулият ва ESG бўйича қўмита ташкил этиш борасида амалий чоралар қўриш, корпоратив ижтимоий масъулият, барқарор ривожланиш ва ESG асосида номолиявий ҳисоботлар учун кадрлар тайёрлаш, бу йўналишни тарғиб қилишда турли ўқув семинарлар ва анжуманлар ташкил этиш ҳам фойдадан холи бўлмайд.

Мухтасар айтганда, жамият, давлат ҳам ҳуқуқий, ҳам иқтисодий томондан ривожланиб бораётган ҳисоботлар учун кадрлар тайёрлаш, бу йўналишни тарғиб қилишда турли ўқув семинарлар ва анжуманлар ташкил этиш ҳам фойдадан холи бўлмайд.

тарқалмоқда. Унга аъзо бўлган компания ва ташкилотлар инсон ҳуқуқлари, меҳнат муносабатлари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва коррупцияга қарши курашиш соҳаларига оид тамойилларга амал қилиб, Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишига ўз ҳиссасини қўшади. Жумладан, 2021 йилда Anglesley Food (Korzinka савдо белгиси), Silverleaf, Artel Electronics каби компаниялар, 2022 йилда HR Capital Consulting, Black Swan Consulting, Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмаси, Тошкентдаги Британия менежмент университети кабилар БМТнинг Глобал келишувига аъзо бўлган.

Сўнгги пайтларда тармоқ корхоналарини трансформация қилиш жараёнида корпоратив ижтимоий масъулиятнинг яна бир қўриниши бўлган ESG (Environmental, Social, Governance — экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув) тамойилларини жорий этиш масалалари ҳуқуқий ҳужжатларда кенг ўрин олмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2022 йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва ҳусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, давлат иштирокидаги корхоналарда экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG) тамойилларига асосланган инвестициялар ва ишлаб чиқариш унвондорлиги юқори бўлган технологияларнинг қўлайлигини рағбатлантириш, 2022 йил 6 июндаги “2022–2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион

билан боғлиқ. Лекин бу борада муайян қадамлар ташланмоқда.

Жумладан, Президентимизнинг 2019 йил 19 январдаги “Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2019 йил 9 июлдаги “Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларига асосан, “Навоий кон-металлургия комбинати”, “Олмалик кон-металлургия комбинати”, “Ўзбекистон металлургия комбинати”, “Ўзбекнефтьгаз”, “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятлари 2020 йил якунидан бошлаб Глобал ташаббускорлик ҳисоботи (Global Reporting Initiative, GRI)га

ЖАМИЯТ, ДАВЛАТ ҲАМ ҲУҚУҚИЙ, ҲАМ ИҚТИСОДИЙ ТОМОНДАН РИВОЖЛАНИБ БОРАР ЭКАН, БАРЧА ЙЎНАЛИШ ВА ТАРМОҚЛАР, ШУ ЖУМЛАДАН, БИЗНЕС ШАРОИТИДА ҲАМ ИЖТИМОИЙ МАСЪУЛИЯТГА ТАЛАБ ОРТИБ БОРАВЕРАДИ.

ЗЕРО, БИЗ ЮҚОРИДА СЎЗ ЮРИТГАН ИЖТИМОИЙ МАСЪУЛИЯТ, АСЛИДА, ХАЛҚИМИЗГА ХОС МЕХР-ОҚИБАТ, ХАЙР-САХОВАТ, ТАБИАТНИ АСРАШ КАБИ ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИХАТДАН МУАЙЯН ТАРТИБГА СОЛИНГАН ШАКЛИДИР.



66

Сўнгги йилларда бутун дунёда давлат, фуқаролик институтлари ва ҳусусий компаниялар ўртасидаги муносабатларда рўй берган ўзгаришлар ижтимоий ҳамкорликнинг янги шакллари пайдо бўлишига олиб келди. Шундай шакллardan бири иштиёр ривашидаги ўзаро муносабатлар тизимига асосланувчи корпоратив ижтимоий масъулиятдир.

Зуфар АШУРОВ, Давлат активларини бошқариш агентлиги Тадқиқотлар маркази директори ўринбосари



Шу ўринда ҳақли савол туғилади: ҳўш, ижтимоий масъулият ўзи нима, унинг қандай афзалликлари бор? Бугунги кун бизнес муҳитида “ижтимоий масъулият” тушунчаси фаол қўлланмоқда. Бизнес ҳамжамиятлари томонидан корпоратив ижтимоий масъулият стратегиялари ишлаб чиқилмоқда, корхоналар ташкилий тузилмасида корпоратив ижтимоий масъулиятга жавобгар бўлимлар ёки мутахассислар киритилмоқда. Европа мамлакатларида эса бутун бир илмий тегишриш институтлари бу ҳодисани ўрганиш билан шуғулланипти.

Бизнеснинг ижтимоий масъулияти концепцияси барқарор ривожланишнинг иқтисодий, экологик ва ижтимоий кўрсаткичлари тизимида акс этади ҳамда компанияни стратегик режалаштириш ва бошқаришнинг бир бўғини ҳисобланади. Жамият билан доимий муносабатлар орқали амалга оширилади. Концепциянинг моҳияти шундан иборатки, ишлаб чиқаришга оид ва иқтисодий ҳар қандай қарор унинг компания ва жамият учун ижтимоий ва экологик оқибатларини инобатга олган ҳолда қабул қилинади. Бунда корпоратив ижтимоий масъулият компаниянинг стратегик ривожланиш, ишчанлик обрў-эътибори ва рақобатбардошлигини мустақамлаш ҳамда унинг бозор капиталлашувини оширишда кучли омил бўлиб хизмат қилади.

Бизнеснинг ижтимоий масъулиятини ошириш масалалари айна пайтада Ўзбекистонда иқтисодиётни трансформация қилиш жараёнида кечаётган даврда ҳам долзарб бўлиб турибди. Бу борада 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳудудлар, шаҳарлар ва туманлар кесимида камбағал тоифадаги оилалар, аёллар ва ёшларнинг янгона электрон ҳисобга олиш тизimini яратиш, камбағалликнинг қайта тикланиш хавфини бартараф этиш мақсадида бизнеснинг ижтимоий масъулиятини рағбатлантириш кўзда тутилган. Бунда биринчи навбатда, меҳнат жамоасига муносиб иш ҳақи белгиланган ва уларга қўшимча ижтимоий тўпламлар тақдим этиш, шунингдек, ишлаб чиқаришни кенгайтириб бориш ҳисобига қўшимча иш ўринлари яратиш каби вазифалар белгиланган.

Бизнеснинг ижтимоий масъулияти нима?

Бизнеснинг ижтимоий масъулияти ёки корпоратив ижтимоий масъулият концепциясининг моҳияти шундаки, корхоналар ўз фаолиятининг акциядорлар, миҳозлар, таъминотчилар, ходимлар,

маҳаллий ҳамжамият ва бошқа манфаатдор томонлар, шунингдек, табиий муҳитга бўлган таъсири устидан масъулиятни ҳис этган ҳолда жамият манфаатларини инобатга олади. Ушбу мажбурият корхоналар ўз ходимлари ҳамда бутун жамият турмуш даражасини юксалтириш учун иштиёр ривашида қўшимча чораларни амалга оширишини тақозо этади.

Корпоратив ижтимоий масъулият, аввало, ишлаб чиқариш корхоналарига қаратилган бўлиб, уларнинг жамиятдаги миссиясини характерлайди. Ижтимоий масъулият корхонанинг жамият ижтимоий, иқтисодий ва экологик соҳаларини ривожлантиришга қўшган иштиёрий ҳисаси бўлиб, асосий фаолиятига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Уни корхонанинг қўниий фаолияти доирасидан ташқари бўлган фаолият деб ҳам атаса бўлади. Корпоратив ижтимоий масъулият ёрдамида корхона ҳуқуқий принциплари кадрлар, инсонлар, жамият ва табиий муҳитни ҳурмат қилиш орқали иқтисодий муваффақиятга эришади.

Компанияларда ижтимоий масъулият уч даражада амалга оширилиши мумкин. Биринчи — асосий даража кўйидаги мажбуриятларни бажаришни тақозо қилади: давлат солиқларини ҳамда ходимлар иш ҳақини ўз вақтида тўлаб бориш, имконият даражасида янги иш ўринларини яратиш ёки штатни кенгайтириш.

Ижтимоий масъулиятнинг иккинчи даражаси ишчиларни нафақат меҳнат, балки турмуш шароитлари билан таъминлаш, малакасини ошириш, профиллик даяланишга юбориш, уй-жой қуриш, ижтимоий соҳани ривожлантириш тақозо этади. Учинчи даража эса ижтимоий масъулиятнинг олий даражаси бўлиб, хайрия фаолияти билан шуғулланишда ифодаланади.

Корпоратив ижтимоий масъулият ички ва ташқи бўлиши мумкин. Ички корпоратив ижтимоий масъулиятга меҳнат хавфсизлиги, иш ҳақи барқарорлиги, ижтимоий аҳамиятга молик бўлган иш ҳақини бир маромда сақлаб туриш, ходимларни қўшимча тиббий ва ижтимоий сугурталаш, ўқув ҳамда малака ошириш дастурлари орқали инсон ресурсларини ривожлантириш, оғир аҳолида бўлган ходимларга ёрдам бериш кабилар қиради. Ташқи корпоратив ижтимоий масъулият ҳоимлик ва корпоратив хайрия, атроф-муҳитни ҳимоя қилишга қўмаклашиш, маҳаллий ҳамжамият билан биргаликда ишлаш, инкирозли вазиятларда иштирок этишга тайёр туриш, товар ва хизматлар истеъмолчилари олдида жавобгар бўлишдир.

Дунёда корпоратив ижтимоий масъулиятга эътибор ортиб боришининг

мулоқотидан руҳландик, куч-қувват олдиқ.

Янги Ўзбекистонда тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес вақилларини қўллаб-қувватлаш учун яратиб берилган имконият ва ҳуқуқий қағолатлар менга ўз юртимда ишлаб чиқариш тармоқлари ташкил этиш имкониятини берди. Нафақат мен, балки хориқлик инвесторлар ҳам мамлакатимизда замонавий ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этишдан манфаатдор. Ўзим эса, тўғрисида айтсам, юртга қайтиб кам бўлмадим.

Энди нафақат шаҳарлар, чекка қишлоқларда ҳам маҳаллий хомашдан бозориг махсулот ишлаб чиқариш қўлами кенгайиб, янги инфратузилма тармоқлари қўпаяётгани аҳоли бандлигини таъминлапти, фаровонликка ҳизмат қилляпти.

“EkoKerama” корхонасини ташкил этганимизга қўп бўлгани йўқ. Унинг лойиҳа қиймати 15 миллион АҚШ доллар. Шундан 11 миллион доллари тўғридан-тўғри инвестиция. Ҳозир 500 киши иш билан таъминланди. Йилга 20 турдаги 500 минг дона сантехника махсулоти ишлаб чиқарамиз. Бу шу кунга қадар импорт қилинаётган махсулотларнинг аксарият қисми ўрнини тўлдириш имкониятини беради. Бундан ташқари, корхонамиз қувватини ошириб, махсулотнинг 60 фоизини экспортга чиқаришни режалаштирганимиз.

Сантехника буюмларимиз тўлиқ маҳаллий хомаш ҳамда энергия тежовчи технологиялардан фойдаланиб тайёрланаётгани боис, муқобилларига қараганда сифатли ва бирмунча арзон.

Давлатимиз раҳбари 2020 йилда корхонамизда бўлиб, ишимиз билан танишиш жараёнида олдимизда турган муҳим масалаларга эътибор қаратгани фаолиятимизда дастуруламал бўлди. Айни кунда корхонами кластерга айлан-

ТАДБИРКОР МУЛОҲАЗАСИ

ЮРТГА ҚАЙТИБ КАМ БЎЛМАДИМ

Салоҳиддин ЮНУСОВ, Фарғона туманидаги “EkoKerama” МЧЖ таъсисчиси, “Дўстлик” ордени соҳиби

Гапимни бир ҳақиқатни айтишдан бошласам. Авваллари тадбиркор ва ишбилармонлик билан шуғулланиш, янги лойиҳаларни амалга ошириш, хориждан ҳамкорларни қорлашда жуда катта тўсиқ ва қоғозбозликларга дуч келганмиз. Ишлаб чиқаришга сармоя киритмоқчи бўлган инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун билан ҳимояланмаган эди. Шу боис, инвесторлар бу ерга сармоя киритиш ва махсулот сотишдан қўрқарди. Ўзим ҳам юртга қайтишни қанчалик истамай, бир неча йил хорижда тадбиркорлик билан шуғулланиб юришга мажбур бўлганман.



тириш, карьерлар ажратиш ва камида 30 йиллик хомаш заҳираси билан таъминлаш борасида иш олиб борапмиз. Мақзур лойиҳа республика, жумладан, вилоят иқтисодиёти учун жуда аҳамият-ли. Биринчидан, ишлаб чиқарилаётган махсулотлар юқори сифатли бўлиб, нархи шу каби импорт махсулотга нисбатан 30 фоиздан 3 баробарча арзонлашади. Иккинчидан, ишлаб чиқариш қуввати 1,5 миллион донга етказилиб, ички бозорнинг сантехника буюмларига талабини тўлиқ қоплаш билан бирга, хорижа экспорт қилиш ҳажимини кескин оширади.

2021 йилда қиймати 859 минг АҚШ долларига тенг махсулотимиз хорижа сотилди. Жорий йилда кўрсаткич бир миллион доллардан ошмоқда.

Албатта, олдимизда қилиниши керак бўлган ишлар қўп. Тадбиркорлик қилиш учун жой, хомаш ва инфратузилма муҳим. Ҳуосан, маҳаллий шароитда доломит, гипс, каолин, кварц куми, дала шпати, кальций содаси каби хомашени қайта ишлаш бўйича мутасади ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб борапмиз. Бунинг самарасида махсулот ишлаб чиқариш ҳажми янада ортади.


Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан бўлган мулоқотида бу ишларни янада такомиллаштириш, мавжуд имконият ва имтиёзлардан фойдаланган ҳолда янги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш устувор вазифа сифатида белгилан берилгани айна мударра бўлди.

**Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири**



ТАРИХИНГДИР МИНГ АСРЛАР...

Бугун туркий тилда сўзлашувчи мамлакатларнинг ўзаро самарали мулоқотини ташкил этиш учун халқлар форматдаги қулай имконият бўлган Туркий давлатлар ташкилотининг саммитига қадим ва кўҳна Самарқанд мезбонлик қилмоқда. Туркий давлатлар ташкилоти таркибига мамлакатимизнинг кўшилишини ривожланиш жараёнининг мантикий натижаси деб изоҳласак, аини муддао бўлади.



Ўзбекистон турк дунёсининг ўзига хос ўрнига эга ажралмас қисмидир. Айнан шу заминда жаҳон илми ва маданияти, ислом дини тарихида ўчмас из қолдирган буюк алломалар етишиб чиққан ва турк дунёсини жаҳонга танитган. Филология фанлари доктори, профессор Насимхон РАҲМОНОВ билан суҳбатимизда юқоридаги фикр-мулоҳазаларни атрофлича талқин этишга ҳаракат қилдик.

— Насимхон ака, Туркий давлатлар ташкилотининг навбатдаги саммити ўтаётган шу кунларда кўнгилнгиздан нималар кечмоқда? Мазкур кенгашга асос солинганидан буюн ўтган вақт мобайнида маданий-гуманитар йўналишда олиб борилаётган лойиҳалар бизнинг ва қардошларимизнинг ҳаётида қандай саҳифалар очди? Умуман, саммитдан қутилаётган натижалар борасидаги мулоҳазаларингизни ҳам билмоқчи эдик...

— Табиийки, ҳар қандай янги тузилма ёки ташкилот, биринчи навбатда, узоқ келажакка мўлжалланган дастурини ишлаб чиқади ва шу дастур асосида иш олиб боради. 1995 йили Туркиянинг Анкара шаҳрида мустақилликка эришган туркий тилли давлатларнинг тарихан илдири бирлигини кўрсатиш, “Турк дунёси адабиёти” ва “Турк дунёси тарихи” китобларини ёзиш учун соҳа мутахассислари жалб қилинган эди. “Турк дунёси адабиёти” икки жилдик китобини ёзиш учун Ўзбекистондан марҳум устоз Беғали Қосимов ва мен юборилганимиз. У пайтларда турк сўзини ишлатишга анчайин сиёсий тус бериларди. Ўша йиллардаги нисбатан ҳозирда кенг жамоатчилик бизнинг тарихий илдириимиз бошқа туркийзабон халқлар билан бир эканини англаб етди. Кенгаш доирасидаги лойиҳаларга келсак, аввалги йилгишларда қарор қилинган ишларни амалга оширишда бир оз суст-кашлик қилаётганимизни эътироф этишимиз керак. Масалан, шу йилнинг март ойида Кенгашнинг Озарбайжонда бўлиб ўтган йилгишларида гуманитар соҳада бир лойиҳани амалга оширишга қарор қилинган экан. Бу лойиҳа сак-скифларнинг этник жараёнини тадқиқ этиш, бу қадимий қавмлар уюшмасининг туркий халқлар аждоди эканини илмий асосда ўрганиш, жамики туркий халқларнинг катта бобоси сак-скифлар эканини турли манбалар — ёзма ёдгорликлар, қадимий санъат асарлари ва бошқа манбалар асосида тадқиқ этиш бош вазифа қилиб белгиланган. Ўзбекистондан лойиҳага мен аъзо қилиб киритилганман. Бу мавзуда ўттиз йиллар илгари айрим мақолаларини эълон қилган эдим. Ўшанда баъзи тарихчи олимлар эътирозларига ҳам дуч келдим. Бугунги ўзбек халқининг этногенезида сак-скифларнинг роли борлиги ҳақида ўз қарашларимни илгари сурган эдим. Агар шу лойиҳани Кенгашга аъзо давлатларнинг маалаки мутахассислари амалга оширсин, туркий халқларнинг дунё маънавий-маданий тараққиётидаги ўрни ойдинлашган бўларди, туркий халқларнинг тарих саҳнасидаги мақоми янада мустаҳкам бўларди. Зотан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2021 йил ноябрь ойида Туркий Кенгаш саммитида нутқ сўзлаб, шундай деган эди: “Аминманки, бугун қабул қилинаётган қарорга биноан, Туркий Кенгаш номи “Туркий давлатлар ташкилоти” деб ўзгартирилиши ҳамкорлигимизни яна ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратди”. Ўтмиш маданияти, яқин тарих бугунги кун учун қандайдир тарзда хизмат қилиши керак. Акс ҳолда, бундай илм кераксиз бир матоҳга айланиб қолади. Туркологиянинг асосий вазифаси ҳам туркий халқларни ҳар жиҳатдан бирлаштиришдан иборат бўлиши керак. Саммит арафасида менга тинчлик бермаётган яна бир масала борки, у туркологиянинг ўзак масаласини ташкил қилади. Бу туркий қавмларнинг этник жараёни ва тилининг мувофиқлиги масаласидир. Бу масалани ҳал қилиш учун биз туркология тарихини юзакли ишчибозлар (дилетант)дай эмас, балки шу фаннинг эгаси сифатида изчил талқин ва таҳлил қилишимиз лозим. Туркология тарихида бунинг мисоллари бор.

1926 йил 26 февраль — 5 март кунлари Боку шаҳрида Туркологларнинг I съезди бўлиб ўтган эди. Ана шу оламшумул тарихий воқеада академик В.Бартольд нутқ сўзлаб, қуйидаги қизиқ бир далилни айтган: “Ўша халқларнинг (Марказий

Осиёнинг шарқида истиқомат қилган халқлар назарда тутилаётир — Н.Р.) айримлари тиллари учун хитойликлар лугатлар тузган эди”. Профессор Пельо 1925 йилнинг кузида Ленинградда ўқиган маърузасида сянбийлар тили лугатини эслаб ўтган... Пельонинг сўзларига қараганда, сянбийлар туркий қавмларга мансуб бўлганини ўша лугат тасдиқлайди.

— 2021 йилда Қозоғистон халқлар Ассамблеясининг “Бирлик” олтин медали билан тақдирландингиз. Бу воқеа Ўзбекистон туркологиясининг халқаро микёсда эътироф этилганидан далолатдир. Шу ўринда қозоғистонлик туркологлар билан ҳамкорликда олиб борилган илмий изланишларда эришилган ютуқ ва келгусида ўз ечимини топиши керак бўлган долзарб масалалар ҳақида айтиб ўтсангиз...

— Бу муқофот ўзим учун ҳам қутилмаган янгилик бўлган. Илмий ишларим рўйхатида назар солсам, хориждаги мақолаларимнинг кўп қисми Қозоғистондаги журнал, газета ва нашриётларнинг ҳиссасига тўғри келар экан. Ўша муқофотга қозоғистонлик ҳамкасб дўстларим тавсия қилибди. Очигини айтиш керак: Ўзбекистон туркологияси атак-чечак қилаётган ҳозирги пайтда Қозоғистон бу соҳада олдинги ўринларга чиқди. Биздан анча узиб кетди. Қозоғистондаги турколог ҳамкасбларим билан ҳамкорликда амалга оширилган йирик ишларимиз бор — рус, инглиз ва қозоқ тилларида 2016 йили нашр қилинган “Жаҳон туркологияси тарихи” номли жамоавий монографияда иштироким, 2021 йили чоп этилган уч жилдик “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслигим, ҳозирда Олмаотада рус тилида чоп этилиш арафасида турган “Туркология муаммолари” монографиям...

Икки йил давомида Лев Гумилёв номидаги Евроосиё Миллий университети-нинг Халқаро грантида иштирок эдим. Лойиҳанинг мақсади ўзбек ва қозоқ халқ мақолларидаги ўхшашлик ва генетик яқинликлар, мақолларнинг ўзбек, қозоқ, рус ва инглиз тилларидаги мазмун-моҳиятини кенг оммага етказишдан иборат эди. Бундан ташқари, 2021–2022 йилларда Олмаотадаги Адабиёт ва санъат институтининг Халқаро грант лойиҳасини яқунладик. Бу лойиҳада Олтин Ўрда адабиётининг намуналари, асосан, ўзбек тилида яратилгани, яъни бу давр адабиёти кўп жиҳатдан ўзбек адабиётига тегишли эканини далиллашга ҳаракат қилдим. Қолаверса, Мирзо Улугбекнинг “Тўрт улус тарихи” асари Олтин Ўрда тарихини ёритиш учун ишончли манба эканининг бу лойиҳада ўз исботини топишига эришдик. Олдимизга қўйилган масалаларни



кўнгилдагидек уddаладик, деб ўйлайман. Саммит арафасида Тошкентда Қозоғистондаги Халқаро туркий академиянинг ташаббуси билан қозоқ маърифатпарвари ва турколог олими Аҳмад Бойтурсуновнинг 150 йиллик юбилеи бўлиб ўтди. Бу тадбир ҳам Қозоғистон билан илмий-маданий алоқаларимиз изчил йўлга қўйилганини яна бир бор далиллади. Аҳмад Бойтурсун 1926 йили Бокуда ўтган Туркологларнинг I съездида қайси алифбони афзал деб билишимиз керак



— лотин алифбосиними ёки араб алифбосиними, деган саволни ўртага ташлаб, алифбони ҳиссиётлар билан эмас, балки ақл-идрок билан қабул қилиш кераклигини алоҳида таъкидлаган эди. А.Бойтурсун алифбо тизимида белгилар қанча кам бўлса, имлони тақомиллаштириш ва амалда фойдаланиш шунча яхши бўлади, деган қарашни қўллаб-қувватлаган. Шунингдек, масаланинг амалий томонида келганда, алифбо ва имло масалалари кўп баҳсларни келтириб чиқаришини ҳам эътибордан четда қолдирмайди. А.Бойтурсун алифбони ўзгартириш масаласини илгари сурганди, икки ҳолатда бу муаммони қўйиш кераклигини айтиди: биринчиси — алифбо муваффақиятсиз бўлганда, иккинчиси — алифбо амалда умуман йўқ бўлганда. “Бизнинг алифбозимиз бор, шу боис, бошқа алифбони қабул қилишимизга ҳожат йўқ”, дейди у. Араб ёзуви асосидаги биринчи қозоқ алифбосини А.Бойтурсун 1912 йили яратган эди. Алифбодан қутилган натижа шундан иборат бўлиши кераки, биринчидан, товушларни тўлақонли етказа олсин, иккинчидан, алифбо техник томондан қулай бўлсин. Бу ниҳоятда керакли ва эътиборга олишимиз зарур бўлган гап. У қозоқ тилида фойдаланилмайдиган арабча харфларни чиқариб ташлаб, қозоқ тили фонетикаси учун хос бўлган янги белгиларни қўшди. Ўзи яратган алифбога ишончи юқори бўлгани учун ҳам “Алифбонларни бирорта одам қиёслаб, лотин алифбосининг алоҳида афзаллиқларини исботлаган эмас”, деб ўз қарашларини ҳимоя қила олди.

Келгусида қозоғистонлик ҳамкасб дўстларимиз билан биргаликда амалга оширадиган ишларимиз кўп. Жумладан, ислордан олдинги давр қадимий туркий тил манбаларини изчил тадқиқ этиш. Россиянинг Олтой давлат университети ҳам туркий халқлар тилларида қадимдан умумий бўлган сўзларни тўплаш, қиссий лугатларини тузиш, умуман, филологик тадқиқотлар олиб бориш юзасидан янги лойиҳаларга ўзбек туркологларини жалб қилмоқчи. Хуллас, туркология тарихи ҳам, географияси ҳам кенгайиб бормоқда. Шунини билан айтиш кераки, Туркий давлатлар ташкилоти ижтимоий-маданий, илмий соҳаларда янги-янги лойиҳаларни юзга чиқариш ва амалга оширишга туртки берапти. Агар 1926 йили Бокуда ўтган съезд материалларини кўздан кечиришдан бўлсак, машҳур туркологларнинг XIX аср охири ва XX аср биринчи ярмида олиб борган тадқиқотлари даражасига етиш учун биз ҳали кўп ишлар қилишимиз кераклиги аёнлашади. Аслида, бугун биз илгари сураётган масалаларнинг кўпчилиги яқин юз йиллар аввал ўртага ташланган экан. Ана ўша съездда туркий халқлар тарихи,

этнографияси, қадимги туркий тил, айниқса, имло масалалари кўтарилган эди. Съезд материаллари озарбайжон ва турк тилига таржима қилинганини биламиз. Рус тилида тўлиқ ҳолда стенография ҳисоботи берилган. Аммо туркий халқларнинг энг катта вакили — ўзбек халқи тилига таржима қилинмагани афсусланарли ҳолдир. Келгусида ўша материалларни ўзбек тилига таржима қилиш ва съездда кўтарилган масалалар, ғояларни бугунги туркология фанида фойдаланиш ниятимиз бор.



— “Минг йиллик, туман кунлик ёзувим” номли мақолангизда “Бир сўз билан айтганда, қадимги туркий тил билан эски ўзбек тили ўртасига тенглик белгисини қўйиш мумкин. Қадимги туркий ёдгорликлар устиди узоқ йиллар давомида олиб борган тадқиқотларимиз натижасида эски ўзбек ва қадимги туркий тилларнинг асло бир-биридан узоқлашиб кетмаганини кўраимиз. Шу боис ҳам қадимги туркий тилга, биринчи навбатда, ўзбек халқи даъвогар, деган фикрни ўртага ташлаялмиз”, дея мулоҳаза билдиргансиз. Ўшбу хулосага қелишингизга сабабчи бўлган асосий қузатувларингизни айтиб ўтсангиз...

— Менинг асосий илмий фаолиятим қадимги туркий ёзма ёдгорликларни тадқиқ этиш ва нашр қилиш билан боғлиқ. Собиқ Қўлғезмалар институтида ишлаб юрганнимда изланишларим натижасида қадимги туркий матнларнинг лугатини тузишни режалаштириб, унинг дастлабки нусхасини ҳам тайёрлаган эдим. Қўлғезмалар институти ёпилиб кетгандан кейин олиий таълим тизимига ишга ўтдим. Лугат ҳам тўхтаб қолди. “Олтин ёруғ” асарини қадимги туркчадан ўзбекчага ағдариб, чоп эттирганимдан кейин қадимги туркий тилга ўзбек халқи даъвогар, ўзбек тили қадимги туркий тилининг давоми, деган қарашим янада мустаҳкамланди. Қадимги туркий сўзларнинг фонетик қиёфасидаги айрим фарқларни ҳисобга олмганда, ҳозирги ўзбек тилида истисносиз қўлланади. Айниқса, “Олтин ёруғ”даги сўзларнинг ҳозирги ўзбек тилидаги сўзлар билан маъно ва шакл жиҳатдан уйғунлиги фикримизни янада қатъийлаштирди. Туркологияда турунлизм назарияси бор. Бу термин гарчи янги бўлмаса ҳам, лекин қайси даврдаги туркий тилга ва туркий тилининг қайси хусусиятларига қўра шундай дея номлаймиз, деган савол туғилди. Турон географик ном сифатида қадимдан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига нисбатан қўлланган. Геродотнинг “Тарих” китобида келтирилган скифларнинг Ўрта Осиёдан келиб чиқгани тўғрисидаги ривоят билан турунлизм назарияси уйғун келади. Ривоят этник жараёнини ифода этса, турунлизм этноснинг тилига алоқадор. Турунлизм Осиё ва Европанинг ҳамма тилларини (ҳинд-европа, семит ва хитой тиллари-дан ташқари) қамраб олади. Даниялик олим Раск турунлизмни скиф тили билан бир, деб қараган эди. Шу қарашлардан келиб чиқилса, Кўҳна Турон аҳолиси қадимги туркий тил эгалари, скифлар эса қадимги туркларнинг ота-бобоси эканига шубҳа қолмайди.

— Ўтган асрнинг 80 йиллари охирида истиқлол йўлидаги ҳаракатлар айна она тилига давлат мақоми берилиши учун бўлган жўшқин курашлар билан бирга кечди. Адиб Пиримқул Қодиров истиқлол йилларида тил борасидаги тадқиқотларига қайтиб, миллий тилимизнинг XX асрдаги тараққиёти хусусида аввал айтиш мумкин бўлмаган кўп ҳақиқатларни ойдинлаштирди. Шу тариқа ёзувчининг “Тил ва эл” китоби юзга келди. Бу аънанани давом эттириб, тилимиз тарихи, бугуни ва келажги ҳақида қайтурган ёзувчи ва шоирларимизнинг эътиборга молик қайси изланишларини таъкидлаб ўтган бўлардингиз?

— Пиримқул Қодиров тил назариясини ва туркий тил ҳақидаги билимларни яхши эгаллаган ёзувчи сифатида муҳаббатимизни қозongan. У буюк ўзбек ёзувчиларининг асарлари тилини жиддий ўрганган олим эди. Айниқса, “Тил ва эл” китобида туркий тилининг тараққий этиши ва ривожига оид келтирган далиллари ва хулосалари туркий, хусусан, ўзбек тилининг азалий мавқеи ҳақида фикр юритишимиз учун бир назарий қўлланма бўлиб хизмат қилади. “Девону лугатит-турк”даги шеърлар парчаларнинг қадим ўтмишдаги туркий тилини ўзида гавдалантиргани ва теурийлар даврига келиб туркий ёки эски ўзбек тилининг сайқал топан адабий тил даражасига қўтарилгани, Ясавий ҳикматларининг тил хусусиятларига оид қузатувлари П.Қодировнинг катта ижодкор бўлиши билан бирга, улкан тилшунос олим эканини ҳам далиллайди. Пиримқул домла даражасида ўзбек тилининг турли босқичлардаги ғўзаллиги ва тароватини талқин ва таҳлил қилиб берган қучли ижодкор чиқмади. Мен фақат Эркин Воҳидовнинг “Сўз латофати” китобида бугунги ўзбек тилининг таровати ҳақидаги самимий қузатувлари, она тилига муҳаббати ва тилга жонқуярлик ҳақидаги ўғитларини айта олам.

— XIII-XIV аср ўзбек адабиёти ва тилига нисбатан “қипчоқ” ёки “қипчоқ-ўғуз” ва “чигатой адабиёти” атмалари қўлланиб келади. Бундай атаманнинг қўлланилиши тўғрими? Дунё туркологлар орасида бу даврдаги адабий тилга нисбатан мумкин қараш борми?

— “Қипчоқ”, “қипчоқ-ўғуз” номларини XX асрдаги турколог олимлар ўйлаб топди. Бадий асарлар тилидаги қипчоқ ва қипчоқ-ўғуз тилларига ҳамда шеваларига мансуб сўзлар ва қўшимчалардан истифода этилиши натижасида юқоридаги терминлар тил илмида ўрнашиб қолди. Масалан, Олтин Ўрда адабий тилига мансуб асарлар тилини шундай деб аташ мумкин.

Европа туркологиясида ўзбек тилини ва ўзбек адабиётини даврлаштириш ҳақида сўз кетганда, чигатой тили ва чигатой адабиёти асосий мезон бўлиб келади. Хорижлик олимларнинг бу тамойили Европа туркологиясида аънана бўлган. Улар чигатой тили ва чигатой адабиёти атамасини ўзбек тили ва ўзбек адабиёти даврлаштиришга қатъий қилганлариди, бу терминларни бевосита ва билвосита Шарқ тарихи манбаларидан олганини айтиб ўтишимиз керак. Улар, биринчи навбатда, *Чигатой улусига* алоҳида эътибор қаратган. XIII-XIV асрга оид Византия ёзма манбаларида Фарбий Туркистон (яъни Ўрта Осиё) аҳолиси *Чакхатаиудес*, *Чагатаес*, *Чагатае*, *Чакхатаио* номлари билан қайд этилган. Усмонли туркларнинг тарихий ва адабий ёзма манбаларида “чигатой” термини этник ном сифатида қўлланган. Хуллас, “чигатой” термини Ўрта Осиё адабий тили ва адабиётига нисбатан қўлланадиган терминдир. Чигатой тили Мовароуннаҳрда Чигатой сулоласи ҳоким бўлган ерлардаги турк ва туркшабан мўғилларнинг адабий тилини, бу тилда ёзилган ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини англатган. XIX асрнинг охиригача туркийзабон қримчаклар ўзларининг тилини “чигатойча” деб атаган. Қримчаклар — этник томондан яхудий бўлган, қрим-татар тилининг бир шевасида сўзлашувчи халқ.

Ҳозирги пайтда Афғонистондаги туркман тилининг така диалекти вакиллари ҳам “чигатой тили” номини ўз тилларига нисбатан ишлатади.

— 2022 йил 20 октябрь куни Туркиянинг Бурса шаҳрида ўтказилган Турк тили кунининг 90 йиллигига бағишланган семинарда Туркий давлатлар ташкилотига ягона алифбо яратиш бўйича комиссия тузиш тўғрисидаги қарор тақдим этилган. Семинарда олимлар ўз мамлакатларидаги алифбо ва тарихий тил жараёнилари ҳақида маълумот бериб, ягона алифбога ўтиш ишларини жадаллаштириш муҳимлигини таъкидлаган. Ягона алифбо яратиш ғояси гарчи бугунги кунда катта бир анжуманда ўртага ташланган бўлсада, бу борадаги мунозаралар бир неча йиллардан бери давом этиб келаётган эди. Шундай эмасми?

— Тўғри айтдингиз. Ягона алифбо яратиш ғояси ҳақида ўтган асрдан — Туркологларнинг I съезидан олдин ҳам сўз юритила бошлаган. Съездда эса бу ҳақда мутахассислар ўз фикрларини айтган. Туркия, Қозоғистонда қайси илмий анжуманга борган бўлсам, албатта, ягона алифбо тўғрисида сўз юритиларди. Ниҳоят, сўздан ишга ўтадиган пайт келибди. Ягона алифбо яратиладиган бўлса, Аҳмад Бойтурсун сўзлари билан айтганда, ҳиссиётларга эмас, ақл-идрокка таяниш керак, токи ҳозирда қўлланаётган ўзбек лотин алифбоси каби мунозараларга, эътирозларга сабаб бўлмаслиги керак. Яна бир муаммо борки, алифбо тилдаги товушларни тўлиқ акс эттириши лозим. Масалан, ўзбек тилидан бошқа туркий тилларда сингармонизм алифбода акс этган. Ана шу ҳархилликларни алифбода бериш йўлларини топиш имкони бўлармикан, деган савол мени йўлантиради. Агар ўзбек тилида ҳам сингармонизм бор, деб бир қарорга қелинадиган бўлса, бунинг учун ҳозирги жорий алифбога ўзгартишлар киритиш керак бўлади. Лотин алифбоси 90 йилларда қабул қилинганда тўрт-бешта одам барча масалани ўзлари ҳал қилган эди. Мана бугун уларнинг хатоларини тўғрилай олмасдан бутун зёёли аҳли ҳалак. 1928 йили Туркия Президенти Мустафо Камол Отатүрк бирданига араб ёзувидан воз кечиб, лотин алифбосига ўтиш ҳақида қарор қабул қилгандан тўрт йил ўтган, шундай деган эди: “Икки нарсасида инқилоб қилиб бўлмас экан — тилда ва мусикада”. Айтмоқчимизки, кун тартибидида турган ягона алифбони яратиш ҳам инқилобий тус олиб, ҳиссиётлар тўғрисида қўлиб кетмасдан, ақл-идрокка таяниши керак.

— Самарқандда ўтаётган Туркий давлатлар ташкилоти саммитининг кун тартибига киритилган масалалар тўғрисида фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Илмий, маданий-гуманитар алоқаларни ва бу йўналишлардаги лойиҳаларни изчил йўлга қўйиш Самарқанд саммити йилгилишининг кун тартибидидаги асосий вазифалардан. Уларни амалга ошириш, умуман, Ўзбекистонни маънавий, маданий томондан янада ривож топтириш биздан фидойийлик талаб этади. Бу соҳаларда салоҳиятли олимларимиз, мутахассисларимиз бор. Имкониятдан фойдаланиб, шу ўринда бир тақлифни айтмоқчиман.

Мутахассислар яхши биладикки, Қозоғистонда Халқаро туркий академиядан ташқари, бир қатор туркология кафедралари, марказлари фаолият олиб бормоқда. Маданий-гуманитар соҳага оид лойиҳаларни амалга оширишда мунтазамлик ва изчиллик бўлиши учун Ўзбекистонда Туркология институтини фаолият кўрсатиши керак. Қарийб 36 миллион аҳолиси бор, аксарият қисми туркийзабон бўлган мамлакатда шундай тадқиқот муассасасининг бўлмаслиги мумкин эмас.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Мухтасар ТОЖИМАМАНОВА суҳбатлашди.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлғезмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфия жихатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масуль.
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1164.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-й.

Навбатчи муҳаррир: Шахзод Ғаффоров
Мусаххач: Малохат Мингобаева
Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА яқини — 02-58 Топширилди — 03-10

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўёлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz